



ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР
МАРКАЗИЙ ДЕПОЗИТАРИЙСИ

2019 ЙИЛНИНГ 9 ОЙИДАГИ ФАОЛИЯТ ЯКУНЛАРИ

Октябрь 2019й.

**«Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси»
давлат корхонасининг 2019 йилнинг 9 ойи давомидаги
фаолияти яқунлари**

«Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси» давлат корхонаси (кейинги ўринларда – Марказий депозитарий) «Қимматли қоғозлар бозори



тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги Қарорида кўзда тутилган фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича ҳисобот даврида қуйидаги вазифаларни

амалга оширди.

01.10.2019 йил ҳолатига кўра, Марказий депозитарийда 601 акциядорлик жамиятининг 79 875,8 млрд.сўм номинал қийматга эга 7 573,13 млрд.дона қимматли қоғозлар чиқарилишлари ҳисоби юритилади.

(01.10.2018 йил ҳолатига: 604 акциядорлик жамиятининг 56 629,31 млрд. сўм

Чиқарилишларнинг умумий ҳажми ва чиқарилган акциялар сонининг ўзгариш динамикаси



номинал қийматга эга 5 550,77 млрд. дона қимматли қоғозлари). Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан акциядорлик жамиятлари сони 3 тага камайган эса-да, қимматли қоғозлар чиқарилишлари ҳажми 23 246,48 млрд. сўмга ва тегишли тарзда 2 022,36 млрд. дона акцияга ортган.

Марказий депозитарийда шунингдек, 338,06 млрд.сўм умумий миқдорга эга 635,6 минг дона корпоратив облигациялар ҳисоби юритилади. Уларнинг 288,06 млрд.сўм умумий миқдорга эга 585,6 минг донаси 5 тижорат банклари томонидан чиқарилган.

Давлат активларини сақлаш ва ҳисобини юритиш

01.10.2019 йилдаги ҳолатга кўра, 237 та акциядорлик жамиятида давлат улуши 66 337,6 млрд.сўмни ташкил этади (шу жумладан, Марказий депозитарийда 214 акциядорлик жамиятининг устав фондида 66 296,1 млрд.сўм миқдордаги акция кўринишидаги давлат улуши ҳисоби юритилмоқда). Ушбу акциядорлик жамиятларида давлат бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, давлат унитар корхоналари, давлат муассасалари, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ва Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси акциядор ҳисобланади.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятлари сони 42 тага кўпайди, мавжуд давлат улуши ҳажми эса 18 965,8 млрд.сўмга ортди.

Хўжалик бошқаруви органларининг 233 АЖ устав фондидаги улушлари ҳажми 5 967,2 млрд.сўмни ташкил этади. 9 ой давомида хўжалик бошқаруви органлари активларининг ҳажми 122,3 млрд.сўмга ортди.

Қимматли қоғозлар чиқарилишларига хизмат кўрсатиш

Марказий депозитарий Ўзбекистон Республикаси депозитар тизимида қимматли қоғозларнинг ягона ҳисоби юритилишини таъминлайди. Ҳисобот даври давомида Марказий депозитарийда 84 та бирламчи ва қўшимча қимматли қоғозлар чиқарилишлари ҳисобга олинди.

20 та акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлар чиқарилишлари параметрларига ўзгартиришлар киритилди.

Иқтисодий ночор деб эътироф этилган 7 эмитентнинг, тугатилди деб эътироф этилган 12 эмитентнинг қимматли қоғозлар чиқарилишлари ҳамда ва 1 облигация чиқарилиши Марказий депозитарий ҳисобидан чиқарилди.

Ҳисобот даврида Марказий депозитарий томонидан акциядорлик жамиятларининг топшириқномаларига асосан акциядорларнинг умумий йиғилишларини ўтказиш, шунингдек бошқа корпоратив ҳаракатларни амалга ошириш учун 1817 реестр (2018 йилнинг 9 ойида – 1662 реестр) шакллантирилди.

Марказий депозитарий Россия Федерациясининг МДҲ мамлакатлари бўйича рақамловчи агентлик вазифасини бажарувчи “Миллий ҳисоб депозитарийси” ЁАЖ билан Ўзбекистон Республикаси эмитентлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга қимматли қоғозларнинг халқаро кодларини бериш бўйича ҳамкорлик юритиб келмоқда.

01.10.2019 йил ҳолатига кўра 319 маҳаллий эмитентнинг 462 турдаги қимматли қоғозларига халқаро кодлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга ISIN ва CFI халқаро кодлари берилганлиги ҳақидаги маълумотнома ҳамда молиявий инструментлар таснифининг ягона тизими ҳақидаги ахборотлар

Марказий депозитарийнинг расмий веб-сайтига (www.deponet.uz) жойлаштирилган.

Инвестиция фондларига хизмат кўрсатиш

Марказий депозитарий инвестиция фондлари томонидан чиқарилган ва уларга тегишли бўлган қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар ҳисобини юритиш бўйича мутлақ функцияларини бажарган ҳолда, 2 ХИФ ва 6 та инвестиция фондларига хизмат кўрсатади.

Инвестиция фондлари портфелининг умумий ҳажми 6,3 млрд.сўмни ташкил этади. Инвестиция фондлари акциядорлари сони эса 49 729 тани, шу жумладан 49 694 та жисмоний ва 35 таси юридик шахсларни ташкил қилади.

Инвестиция воситачилари билан ҳамкорлик юритиш

Марказий депозитарий, шунингдек 43 инвестиция воситачилари ва уларнинг мижозларининг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлари ҳисобини юритади.

Инвестиция воситачилари (номинал сақловчилар) томонидан хизмат кўрсатиладиган депо ҳисобварақлари сони (минг дона)



01.10.2019 йил ҳолатига кўра, инвестиция воситачиларининг депо ҳисоб варақларини очган мижозлари сони 736,4 мингни, шу жумладан 60,4 минг юридик ва 676,0 минг жисмоний шахсларни ташкил этди.

Ўтган йилнинг айнаи шу даврига қиёслаганда, депо ҳисобварақлари сони 3,6% фоизга кўпайган. (01.10.2018 йил ҳолатига депонентлар сони 711,4 мингни, шу жумладан 58,8 минг юридик шахсни ва 652,6 минг жисмоний шахсни ташкил этган.)

01.10.2019 йил ҳолатига кўра, инвестиция воситачилари томонидан ҳисоби юритиладиган қимматли қоғозларнинг умумий ҳажми 5 864,9 млрд. сўм миқдордаги 2 381,2 млрд. дона қимматли қоғозни ташкил этди.

Ўтган йилнинг айти шу даврига нисбатан инвестиция воситачилари томонидан ҳисоби юритиладиган қимматли қоғозлар ҳажми 28,6 фоизга ортди.

Инвестиция воситачилари (номинал сақловчилар) томонидан ҳисоби юритиладиган қимматли қоғозлар ҳажми



(01.10.2018 йил ҳолатига қимматли қоғозлар ҳажми 4 562,4 млрд.сўм миқдордаги 2 345,5 млрд донани ташкил этган).

Марказий депозитарий томонидан ҳисобот даврида 197 825,6 млн. дона қимматли қоғозлар бўйича 81 та биржадан ташқари битимлар рўйхатга олинган.

Рўйхатга олинган биржадан ташқари битимлар бўйича депо ҳисобварақларига 193 та ўтказмалар амалга оширилган.

Депонентларнинг ягона базаси



Марказий депозитарий томонидан юритиладиган депонентларнинг ягона базаси 01.10.2019 йил ҳолатига 914 542 ни, шу жумладан 849 176 жисмоний шахсни ва 65 366 юридик шахсни ташкил этди. (01.10.2018 йил ҳолатига ушбу кўрсаткичлар 924 464 ни (858 939 жисмоний ва 65 525

юридик шахсни ташкил этган). Депонентларнинг ягона базасида рўйхатга олинган шахслар сони ҳисобот даври давомида 9 922 тага камайди.

Ахборот-маслаҳат хизматлари

Марказий депозитарий республика фонд бозорида йирик институтлардан бири сифатида ўз мижозларига кенг миқёсдаги депозитарлик ва ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Ҳозирги кунда Марказий депозитарий акциядорлик жамиятларига улар томонидан корпоратив ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишда ҳамда қимматли қоғозлар эмиссиясини тайёрлашда барча маслаҳат хизматларини таклиф этади.

Ҳисобот даврида 135 акциядорлик жамиятларига қўйидаги йўналишлар бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатилди:

акциядорлик жамиятларини ҳар чоракда корпоратив кузатиб бориш - 88 АЖ;

акциядорлик жамиятларини йиллик корпоратив кузатиш - 3 АЖ;

алоҳида шартномалар бўйича акциядорлик жамиятларига корпоратив хизматлар кўрсатиш – 6 АЖ;

акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтини ахборот-техник кузатиб бориш – 5 АЖ;

акциядорлик жамияти корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш – 22 АЖ.

Ҳисобот даврида Марказий депозитарий билан корпоратив кузатиш тўғрисида шартнома имзолаган акциядорлик жамиятларига корпоратив масалалар бўйича телефон орқали ва электрон почта воситасида ахборот материаллари тақдим этиш, қимматли қоғозлар бозорига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартиришлар бўйича маслаҳатлар бериш билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатилди.

Йиллик корпоратив кузатиш хизмати доирасида акциядорлик жамиятларига корпоратив бошқарув масалалари бўйича комплекс маслаҳат хизматлари тақдим этилди.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси томонидан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ Марказий депозитарий томонидан ҳисобот даврида 22 акциядорлик жамиятининг корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш амалга оширилди.

Халқаро ҳамкорлик

Жорий йилнинг феврида «Mosaic» ахборот-технологик компанияси (АҚШ) вакиллари компания томонидан қимматли қоғозлар ҳисоби бўйича кўрсатиладиган хизматлар ва қимматли қоғозлар портфелини бошқариш бўйича ишлаб чиқилган дастур маҳсулоти тақдимотини намойиш этиш мақсадида Марказий депозитарийга ташриф буюрдилар.

Қозоғистон Марказий депозитарийси раҳбарияти билан ўтказилган иш учрашувида Марказий депозитарийнинг масъул мутахассислари Қозоғистон Марказий депозитарийсининг жорий фаолияти билан яқиндан танишдилар, иштирокчилар томонидан ўзаро ҳамкорлик масалалари ҳамда «Euroclear» ва «Clearstream» халқаро марказий депозитарийлари билан ҳамкорлик ўрнатишда Ўзбекистон Марказий депозитарийсининг олдида турган бирламчи вазифалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, Марказий депозитарийда Ўзбекистон молиявий бозорининг ривожланишига доир муаммоларни муҳокама қилиш ҳамда капитал бозорини тадқиқ қилиш учун техник вазифа ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистонга ташриф буюрган Осие тараққиёт банкининг маслаҳат миссияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув давомида миссия вакиллари Ўзбекистон Республикаси

корпоратив қимматли қоғозлар бозорининг жорий ҳолати, шунингдек Ўзбекистон Марказий депозитарийсининг фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Жорий йилнинг июнь ойида Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида Евроосиё марказий депозитарийлари ассоциациясининг семинари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Марказий депозитарийси вакиллари ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда иштирок этдилар. Семинарда қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш, қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб-китоблар, депозитар амалиётлар, репозитарий хизматлари, корреспондентлик алоқаларини ўрнатиш, хатарларни бошқариш тизимлари ва бошқа долзарб мавзуларда сўз юритилди.

Марказий депозитарий вакиллари Миллий рақамловчи агентликлар ассоциацияси(АННА)нинг Германиянинг Франкфурт шаҳрида ўтказилган умумий йиғилишида иштирок этдилар. Йиғилишда АННАнинг 2018 йилдаги фаолияти ва 2019 йилга белгиланган истиқбол режалари, маълумотларнинг, шу жумладан ISIN, CFI, FISN и LEI халқаро кодларининг сифати масалалари, ISO стандартларига оид янгиликлар муҳокама қилинди.

Шунингдек, Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсида жорий йилнинг июнь ва июль ойларида «Grott Bjorn» («Среднеуральский Брокерский Центр» ЁАЖ) компанияси, «Mosaic» ахборот-технологик компанияси (АҚШ), Австриянинг «Райффайзенбанк» Россия бўлинмаси ва АҚШ молия вазирлигининг техник ёрдам кўрсатиш офиси ва АҚШ қимматли қоғозлар бўйича комиссиясининг вакиллари билан учрашувлар ўтказилди.

Мазкур учрашувларда брокерлик ва депозитар хизматлар тақдим этиш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш имкониятлари, корреспондентлик муносабатларини ўрнатиш, биржадан ташқари савдоларда депозитар-клиринг операцияларни ўрганиш, шунингдек Техник ёрдам кўрсатиш офисининг давлат молиясини барқарор бошқариш бўйича дастурини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг июль ойида Марказий депозитарий вакиллари АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси ташкилотчилигида ўтказилган «Ўзбекистон капитал бозорининг имкониятлари» мавзусидаги инвестиция форумида иштирок этдилар. Тадбир доирасида Марказий депозитарий Американинг бир қанча молия ташкилотлари билан учрашувлар, шу жумладан Депозитар-траст ва клиринг корпорацияси (DTCC), Сити халқаро банки (Citi), MUFG Bank япон банки, Equinox Partners, Raffles Capital Management ва Voltan Capital Management инвестиция компаниялари вакиллари билан музокаралар ўтказди.

Август ойининг биринчи декадасида Ўзбекистон Капитал бозорини ривожлантириш агентлигида Марказий депозитарий билан ҳамкорликда “Клирстрим” тизими билан танишув” мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинар доирасида Марказий депозитарий ҳамда “Клирстрим” вакили билан ўтказилган учрашувда вакиллик ҳисобварақларини очиш шартлари хусусида сўз юритилди.

Марказий депозитарийда шунингдек, Европа тараққиёт ва тикланиш банки (ЕТТБ) ҳамда BTA Consulting компанияси экспертлари билан Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан 2020-2025 йилларга мўлжалланган Капитал

бозори стратегияси ва "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқишда амалий ёрдам кўрсатиш доирасида учрашув ўтказилди.

Шунингдек, жорий йилнинг сентябрь ойида Марказий депозитарийда:

- Осиё тараққиёт банки (ОТБ) миссияси ва International Securities Consultancy Ltd (ISC) консалтинг фирмаси вакиллари билан Ўзбекистон Республикаси молия бозорини ривожлантириш дастурини тайёрлашда ОТБнинг техник ёрдамини амалга ошириш доирасида;

- BCT Investments (Қозоғистон) ва «Ҳамкорбанк» вакиллари билан Ўзбекистон капитал бозорининг жорий ҳолати, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш тизими ва сармоядорлар, шу жумладан хорижий сармоядорлар томонидан қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни тасарруф этиш мавзусида;

- Fitch Ratings (АҚШ) рейтинг агентлиги вакиллари билан америка агентлигининг тегишли рейтингини олиш имкониятини муҳокама қилиш мақсадида;

- Mosaic компанияси (АҚШ) вакиллари билан хорижий капитал иштирокида инвестиция фондини ташкил этиш масалалари юзасидан учрашувлар ўтказилди.

Хорижий мамлакатларнинг профессионал ташкилотлари билан алоқаларни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш – жаҳон иқтисодий ҳамжамияти билан интеграциялаш жараёнининг узвий қисми ҳисобланади. Айти шу жиҳатдан ҳам Марказий депозитарийнинг келгусидаги ҳаракатлари жаҳон фонд бозорларининг етакчи ташкилотлари билан корреспондентлик алоқаларини ўрнатишга йўналтирилиши табиий.



ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР
МАРКАЗИЙ ДЕПОЗИТАРИЙСИ